

Маъруза № 3. Фуқаро муҳофазасида олдиндан огоҳлантириш: таҳлил ва ҳаракатлар тизими

Режа:

1..Мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш..

2. Фуқаро муҳофазасида олдиндан огоҳлантириш: таҳлил ва ҳаракатлар тизими

3. **Калит сўзлар:** фавқулодда вазият, ҳудуд, аҳоли, зилзила, сув тошқини, ер сурилиши, сел, авария, фожеали ходиса, химоя иншоотлари, эпидемия, табиий, техноген, экологик, кучли шамол,экоҳаракат,қутқарув хизматлари, олдиндан огоҳлантириш.

Ҳозирги даврда Сайёрамизда рўй бераётган табиий, техноген, экологик, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий характердаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, талофатлар кўламини торайтириш, инсонлар ҳаёти ва улар томонидан яратилган моддий бойликларга етадиган зарарларнинг олдини олиш ёки уларни камайтиришни таъминлаш ўта муҳим ва долзарб муаммолар сирасига киради.

Ўзбекистонда мазкур муаммоларни ҳал этишда иштирок этадиган барча хизматларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи ва тартибга солувчи қатор қонунлар қабул қилинган. Жумладан, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги”, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги”, “Радиатсиявий хавфсизлик тўғрисидаги”, “Терроризимга қарши кураш тўғрисидаги” ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва шу соҳага таалукли бўлган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва ҳаётга жорий этилмоқда.

Олий малакали касбий таълимга эга кадрлар, иқтисодиётнинг қайси соҳасида фаолият юргизмасин, юқорида келтирилган муаммолар ечими билан боғлиқ қатор вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашишга мажбур, бошқача айтганда, барчамиз фавқулодда вазиятлар рўй бериши мумкин бўлган замин ва маконда яшаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ХХ1 асрнинг бошлариданоқ хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг мисли кўрилмаган юксак тараққий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим ноҳуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишга таҳдид солиб турибди.

БМТнинг “Халқаро фуқаро муҳофазаси ташкилоти” ҳужжатларида “дунёда тараққиёт шиддат билан ривожланиб бориши билан ёнма-ён, хавф-хатар ҳам ортиб боради, шу боис “барқарор ривожланиш кафолати бу фуқаролар муҳофазаси”дир деб бежиз ёзиб қўйилмаган. Шунинг учун фуқароларни фуқаро муҳофазасига тайёрлашга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Лекин йилдан-йилга сони ортиб бораётган фавқулодда вазиятлар, уларни бартараф этишга сарфланаётган иқтисодий харажатлар бундай ҳатти-харакатнинг самарадорлиги пастлигини кўсатмоқда ва алоҳида йўл тутиш кераклигини тақозо этмоқда; яъни содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдиндан башорат қилиш, аҳолини хавф ҳақида мумкин қадар эрта огоҳ этиш, уни олдини олиш ва ундан ҳимояланиш тадбирларига кўпроқ эътиборни қаратиш зарурияти вужудга келмоқда.

Бутун жаҳон “Қизил Хож” ҳамжамияти ташкилотининг маълумотларига кўра охириги 30 йил мобайнида бутун дунёда табиий офатлардан қарийб 1 млрд. инсонлар жабрланган ва кўрилган моддий зарар миқёси йилига 100 млрд. долларни ташкил этган. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданок, энг муҳим вазифалар қаторидан мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари ўрин олди.

Бундай долзарб муаммолар хусусида Республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан таъкидланганидек: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»*. Ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида Президентимиз «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмода» асарида ҳам батафсил тўхтаб ўтганлар.

Дарҳақиқат, ўтган ХХ асрнинг собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар, шу жумладан, ҳалқимизнинг бошидан ўтказилган тоталитар, мамурий-буйруқбозлик тизими атроф-муҳитга беписанд муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан ваҳшиёна фойдаланиш билан тавсифланарди. Ушбу давр орқали ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондига салбий тасири, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, катта ҳажмдаги саноат ва бошқа тур заҳарли чиқиндиларнинг ташқарига чиқарилиши, ерларнинг чўлланиши, ер ва сув ресурсларининг деградатсияси, Орол денгизининг ҳалокати каби минтақавий ҳамда глобал миқёсда эчилиши лозим бўлган экологик муаммолар мерос бўлиб қолди.

* ¹ I.Karimov, «O‘zbekiston XXI asr bo‘lag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari», T. O‘zbekiston, 1997 y.

Шу каби муаммолар туфайли инсон манфаатлари муҳофазаси айниқса, Ўзбекистонда давлат сиёсатининг бирламчи даражасига кўтарилди. Шу муносабат билан ҳозир Ўзбекистонда экологик ҳаракатнинг тузилиши бугунги даврнинг долзарб талаби ҳисобланади. Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан "Соғлом муҳит - инсон саломатлиги" ғоясини амалий бажарилишини таъминлаш мақсадида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳатларни амалга ошириш жараёнида мавжуд муаммоларга ёналтирилган ёндашув на фақат Ўзбекистон балки минтақани барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб, атроф-муҳит хавфсизлиги ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни кўллаб қувватлаш истагида бўлган мамлакатимизнинг этук, баркамол авлодларини бирлаштиришга ёналтирилган глобал аҳамиятга эга ҳаракат эканлиги эътиборга молик.

Экоҳаракат - Ўзбекистон фуқороларининг ҳозирги ва келгуси авлоди қулай атроф-муҳит шароитида яшаши, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишдаги этиборга молик сиёсий кучдир.

Аввалги икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат оммавий қирғин куруллари ва ҳужумкор воситаларидан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги даврдаги фуқаролар муҳофазаси - янги ижтимоий, иқтисодий зарурат асосида ташкил топган, яъни мустақил Ўзбекистонни ва фуқароларини турли кўринишдаги фалокат ва ҳалокатлардан сақлаш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

Шу нуқтайи назардан халқимизни душман томонидан бўладиган ҳам ички, ҳам ташқи таъсирлардан сақлаш, ҳозирги куннинг энг долзарб вазибаларидан бири ҳисобланса, иккинчи томондан бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини, кучли шамол ва бошқалар), бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар, ҳалокатлар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан фуқароларни, иқтисодиёт тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутқариш ва кечиктириб бўлмайдиган тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Кутқарув хизматларини ташкил этишда хорижий адабиётлар маълумотига кўра олдиндан огоҳлантириш тизимининг аҳамияти муҳим¹. _____

¹ Christer Pursiainen "Early Warning and Civil Protection When does it work and why does it fail?", Stockholm, Sweden 2008 (инг.тилидан тарж.21 б.)

Масалан :

Албатта, юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун характерли бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларни ва юзага келадиган экологик вазиятларни чуқур таҳлил қилиш натижасидагина (ҳар бир вазиятни келиб чиқиш сабабини, кучини, таъсир доирасини, одамларга, атроф-муҳитга кўрсатадиган оқибатларини ўрганиш) уларга қарши энг қулай чора-тадбирлар белгиланадики, натижада ҳар қандай фавқулодда вазиятлардаги ҳам моддий, ҳам маънавий йўқотишлар миқёсини шунчалик қисқартиришга эришиш мумкин.

Қутқарув хизматлари ва фуқаро муҳофазасининг кундалик нутқида хавфли вазиятда эрта хабар бериш тушунчаси бу огоҳ қилиш билан синоним, кўп ҳолларда олдиндан огоҳлантириш технологик ўлчамларда устунлик қилади. Агар кенгроқ олиб қарасак, олдиндан огоҳлантириш оддий фавқулодда ёрдам пайтида айрим технологик ускуна ва тизимлар ёрдамида тез огоҳлантиришдан кўра кўпроқ нарса.

Ваҳоланки, мавжуд адабиётларда олдиндан огоҳлантириш амалдаги тажрибада ҳам, асосан кенг кўламдаги табиий офатларни назарда тутати ва олдиндан огоҳлантиришга анча кенг таъриф беради, мураккаб огоҳлантириш тизими бир қатор узвий ўлчамлар элементларидан ва босқичлардан иборат. Огоҳлантириш бу таърифга кўра огоҳлантиришнинг вақтинча ўлчови, аммо биз олдиндан огоҳлантириш қачон бошланиб, қачон тугашини сўрай бошлаймиз. Бундан келиб чиқиб қарасак, табиийки олдиндан ҳар қандай огоҳлантиришни **биринчи босқичи хавфни баҳолашдан** бошланади. Буни кўпинча хавфни хариталаш, хавфни таҳлил қилиш ёки хавфни ўрганиш деб ҳам аталади. Бу аниқлашга иложи бўлса, юқори хавф остидаги ҳудудларни ҳисобга олиш, заифликларни, эҳтимол бўлган зарар, шикастларни ва шунга ўхшашларни эътиборга олиш зарур. Агар биз юзма-юз келадиган хавфни тасаввур қилмасак, уни олдини олишнинг, юмшатишнинг ва олдиндан қандай ёрдам беришни билмаймиз.

Олдиндан огоҳлантиришнинг 2-босқичи бу мантиқан олдиндан билиш, бу нарса олдиндан огоҳлантириш тизимини ишга туширади. Хавф аниқлангач бир қатор чора тадбирлар кўрилиши лозим. Жумладан, қонунлар, режалар, технологик ташкилотлар билан боғлиқ, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа барча турдаги олдини олиш қарор ва эчимлар. Масалан, агар ҳудуд сув тошқини хавфи бор деб топилса, у эрда ҳимоя деворлари қурилиши ёки ерлардан фойдаланилаётганда, дренажлар қурилиш режалаштирилаётганда тарихда бўлган сув тошқинлари ҳисобга олиниши зарур.

Учинчи босқич бу хавфни мониторинг қилиш. Бу мумкин бўлган сигналларни қабул қилиш ва потенциал фавқулодда вазиятни аниқлаш мониторингни ўз ичига тўлқинларни, радиацияни сув сатҳини ўлчашни ва бошқа барча инсон ёки техникавий ускуна ёрдамида аниқлаш мумкин бўлган нарсаларни ўлчаши зарар.

Тўртинчи босқич бу огоҳлантиришларни етказиш, яъни мансабдорларга, хокимият органларига, бу хавф остида бўлган худуддаги кенг оммага етказиш. Хавфни баҳолашга қараганда бу босқич асосан кўпроқ ва фавқулодда вазиятларда тез ёрдамга кўпроқ тегишли. Бу ўз ичига фавқулодда вазиятларнинг турли огоҳлантирувчи сигналларни олиш мумкин: ёнғиндаги сигналлар (тревога) электрон ахборот воситалари орқали бериладиган сигналлар ва бошқа фавқулодда вазият оқибатларини олдини олувчи ёки юмшатувчи сигнал чоралардир.

Ва ниҳоят олдиндан огоҳлантириш бу маъсулиятдир, маъсулият кўпроқ ёки озроқ вақтда бўлиши мумкин, чунки бу босқич олдиндан огоҳ қилиш тизимининг самарадорлигини исботлайди агар барча фавқулодда вазиятларнинг олди олинган бўлса, ҳам олдиндан огоҳлантириш тайёргарлик ишлари учун вақт бериши ва вазиятни юмшатиши мумкин, жумладан эвакуация қилиш ёки зарурий эҳтиёт чора қуролларини тайёр қилиб қўйишга.

Агар биз олдиндан огоҳлантириш юқоридаги босқичлардан иборат десак, олдиндан огоҳлантириш вақт оралиғи узокроқ бўлиб қолади ва бутун жараён биз тушунганимизга қараганда кўпроқ кўп ўлчамли бўлади ва ўткир кризис ҳолатларида қатъий алоқалар билан аниқланади. Ушбу контекстда олдиндан огоҳлантириш масалан, иқлим ўзгаришларига мослашуви ва ўн кунлар олдин берилиши зарур. Бир неча кунлар мобайнида маълумотлар тўпланиши ва берилган бўлиши зарур бу эҳтиёт чоралари ва вазиятни юмшатувчи ишларни амалга оширишга имкон беради чунки бу нарсалар одамларнинг қаттиқ ҳаракати энергия сиёсати ёки инфратузилмаларнинг қурилиши билан боғлиқ.

Иккинчи томондан олиб қаралаганда олдиндан огоҳлантириш ёки фақат кейинги огоҳлантириш концепсияси ўртасида катта фарқ йўқ, олдиндан огоҳлантиришнинг орқасиданоқ воқеа содир бўлиши мумкин, шунинг учун у вазиятнинг олдини олади ёки юмшатади. Аслида айрим ҳолатларда бир неча сония ёки дақиқа шиддатли хавф ёки офат улкан зарар етказиши мумкин. Бошқа ҳолатларда эса, дастлабки бир неча дақиқалар ёки соатлар одамларга табиатга, одамларга ёки мулкка етказилган таъсирни зарарни бартараф этишда энг долзарб бўлади. Олдиндан хабардор қилиш шу эрда тугаши зарур эмас, у ҳалокатларнинг

дастлабки босқичларида ҳам зарур бўлади, масалан табиий офат кетидан технологик хавф бўлиши эҳтимолидан узоқ эмас, шунингдек соғлиқ учун хавф ёки ижтимоий-иқтисодий офатлар. Бундай эҳтимоллар тўғри тушунилиши ва орқасидан келиши мумкин бўлган офатларни олдини олиш чоралари вақтида кўрилиши лозим.

Олдиндан огоҳлантириш айрим адабиётларда айрим олимлар жамиятда юз берадигин олдиндан тахмин қилинадиган барча кризис ҳолатларида илк босқичларидаёқ сигналлар бошланиши ва шунинг учун яқиндан кузатувчилар керакли батафсил билимга эга бўлишига хайратланмаса ҳам бўлади дейди. Бу қарашларга биноан ижтимоий тизим бузилишлари сабабли ҳам қутилмаган узилишлар юзага келади, халокатлар ўзлари ҳақида белги беради. Муаммо шундаки ўша заиф билинар- билинмас сигналларни сезишда кетаётган фактик ахборотларни сезиш орқасидан кетаётган офатни сезишдир. Агар яқинлашаётган хатар қанчалик яқин бўлса, бу сигнал ҳам ўзига хос бўлади ва шунинг учун ҳам уни аниқлаш осон бўлади. Энг ўткир муаммо шундаки олдиндан огоҳлантириш кўпинча чора кўриш учун этарли вақтга эга бўлади, олдиндан огоҳлантиришнинг муаммоси эса биринчи ёрдам факторлари чора кўриш вақтини қисқартиради.

Бу назарияларнинг мураккаблиги ва қабул қилишда кўп ҳолатларда тизимнинг муносабати барқарор эмас ва у сабабларини аниқламайди ва аксинча халокатлар кўриниб турган хатолар ва ноаниқликлар туфайли кўпинча қўққисдан содир бўлади. Бу тушунча 4 та фазонинг ўзгариб туришидан дейилган фавқулотда вазият юз бериши мумкин. Билинган бу жойда сабаб ва самара тушунарли ва олдиндан айтса бўлади. Билса бўладиган - бу шундай жойки сабаб ва самара ўртасидаги боғлиқлик бор, тушунишга ва эгаллашга қийин аммо, экспертлар ва тадқиқотчилар бу алоқаларни этарли вақт ва ресурслар ёрдамида аниқлай олади.

Билинган мураккаб-бу жойда биз сабаб ва оқибатни фақат ретроспектив тушунамиз: фактдан сўнг нима пайдо бўлиши мантиқан, аммо кўплаб вариантлардан бири келиши мумкин ва охиригиси холос-бу жой жуда кўп безовта қилади, сабаб ва оқибат ноаниқ. Шу сабабли биз имконимиз, қобилиятимиз этганча ўзгартиришимиз фуқаро муҳофазасининг олдиндан огоҳлантирувчи сигналларини аниқлашимиз керак.

Барча фавқулотда вазиятларнинг олдиндан билишнинг иложи йўқлиги тайин. Хатто биз барча ресурсларга эга бўлишимизда ҳам вазият баъзан чегараланиб кетади, чунки баъзан қатнашувчилар аксиядорлар халокатдан огоҳ бўлишидан норози бўлишади. Баъзида эса оддий билинган ва билиш мумкин бўлган ҳолатларни турлича тушунишади. Шунга қарамай олдиндан

огоҳлантириш кўп ҳолларда зарур, хатто ёлғон огоҳлантиришлар ва қийин тушунишлар бўлса ҳам. Бу кузатувлар бизга амалда бўлмаган нарсаларга тайёргарлик зарурлигини иложи борича тасаввурга сиғмайдиган нарсаларни тасаввур қилишимизни эслатиб туради. Олдиндан билган сезилган тасаввур қилинган нарсаларга асосланиб кўп нарса халокат пайтида қилиш мумкин. Халокатдан кейинги баҳолашлар шуни кўрсатадики кутилмаган воқеа ходисалар олдиндан огоҳлантиришларнинг бўлиши кўп ҳолларда билим этишмаганидан эмас, балки тасаввур этишмаганидан содир бўлади.

Айрим фавқуллода ёрдам ташкилотлари айнан, аниқ қайси вақтда халокат содир бўлишини айта олмайди аммо, эҳтимоллигини хавфни баҳолашда ҳисобга олишимиз ва шундай қилиб, биз уларга ҳар доим олдиндан тайёр тура оламиз. Юқоридаги тадқиқотда айтиб ўтилганидек (билиш мумкин) бўлган муммоларни фазодан (билинганга) ўтказсак, фазо ҳақидаги билимларимизни кенгайтирсак сабаб, оқибат ўртасидаги боғлиқликни билсак кўпроқ муаммоларни ҳал қилишимиз мумкин. Бу нарса бизга олдиндан берилган сигналларни аниқлашга яхшироқ тайёрланиш имконини беради ва уларга қараб ҳаракат қилишади.

Хатто сабаб-оқибат мунособотлари аниқ бўлган ҳолларда ҳам, олдиндан огоҳлантириш доим ҳам иш беравермайди. Бундай муваффақиятсизлик алоҳида ёки бир вақтнинг ўзида юқорида айтиб ўтилган босқичлар барбод бўлганда содир бўлади. Баъзида хавфни баҳолаш барбод бўлади, чунки маълумотларга эга бўлиш имконияти бор бўлган бўлсада, улар потенциал хавфдан этарлича олдин огоҳ бўлмаган. Баъзан ва кўпинча жуда кеч бўлганда, кимдир заиф ёки хатто аниқ огоҳлантирувчи сигнал атрофдаги “шовқин” туфайли йўқолиб қолганини сезиб қолади.

Бошқа ҳолатда эса бизда содир бўладиган хавфни биламиз, аммо айрим сабаблар олдини олиш учун зарурий чоралар кўпинча олиб келмади. Шундай қилиб хавфнинг олди иқтисодий ва ёки бошқа сабабларга кўра олинмади. Ёки хавф “хавфни баҳолаш”га кўшилган бўлса ҳам, хавфни мониторинг қилиш жараёнида нотўғри кўрсаткичлар туфайли акс эттирилмади; ёки бу хатарни мониторинг қилиш барбод бўлди ёки нотўғри ишлади; шундай қилиб у олдиндан огоҳлантирувчи сигналларни сезишга қодир бўлмади. Хатто агар огоҳлантирувчи сигналлар монитор қилинса ҳам аниқланса ҳам улар доим ҳам олдиндан берилган сигнал натижасини бермайди; айрим сигналлар ноаниқлиги юқори бўлиши мумкин; айниқса бу огоҳлантириш моддий сиёсий ёки бошқа қийматга эга бўлса, ёлғон сигналдан кўрқув аниқ сигналларни ҳам

огоҳлантирувчи бўлишини чеклайди. Баъзида огоҳлантиришлар берилади аммо, уларга ҳокимият органлари ёки хатарли жойдаги аҳоли ишонмайди ва бошқа сабабларга кўра эрта олди олинмайди.

Бу эрда муаммо шундаки, сўраш керак, олдиндан огоҳлантирувчи белгилар аниқланиладими, йўқми ва бу сигналлар муваққиятли олдини олиш чораларига олиб келадими, йўқми?

Шу эрдан, мувафакқиятли олдиндан огоҳлантиришлар тан олинмаса, савол келиб чиқади, фуқаро муҳофазасининг олдиндан огоҳлантириш тизими ҳурмат қилинмаслигида муаммо нимада? Табиийки биз олдиндан огоҳлантиришларнинг барбод бўлганига бир қатор факторларни топишимиз мумкин, уларни бир-биридан ажратиш анча қийин чунки улар чалкашиб, аралашиб кетган. Деярли барча миллий ва халқаро кўламдаги халокатлардан сўнг текширув ҳисоботларида шу нарса қайд этилган: олдиндан огоҳлантирувчи сигналларнинг барбод бўлиши бир вақтнинг ўзида бир неча хатолар қилинганнинг натижасида юзага келган.(Чернобил 1986. УССР; 9/11 ин тхе УСА, заст-Асиан тсунами 2004).

Биз олдиндан огоҳлантиришларнинг барбод бўлишини қандай таҳлил қила оламиз, агар улар аралашиб кетган бўлса? Ҳар хил ҳолатларда барбод бўлган олдиндан огоҳлантиришларнинг ҳар бир факторини алоҳида ва муаммоли нуқтасини методологик томондан кўриб чиқиш ва уларни тушунишга ҳаракат қилишимиз зарур, бу ҳолатларни тизимли равишда келажакдаги ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИнинг олдиндан огоҳлантирувчи стратегияни ишлаб чиқаётганимизда ҳисобга олишимиз зарур².

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазасининг асосий мақсади нималардан иборат?
2. Мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш деганда нимани тушунасиш? ..
3. Фуқаро муҳофазасида олдиндан огоҳлантириш деганда нимани тушунасиш?
- 4.. Олдиндан огоҳлантириш неча босқичдан иборат?

² Christer Pursiainen "Early Warning and Civil Protection When does it work and why does it fail?", Stockholm, Sweden 2008 (инг. тилидан тарж. 24 б.)

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Karimov I.A. O‘zbekiston XX1 asr bo‘sag‘asida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari.-T. O‘zbekiston ,1997 .
- 2.Tojiyev M., Nigmatov I. Hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma –T.: Tafakkur - Bo‘stoni‘‘ 2012 .- 271 b.
3. Christer Pursiainen ”Early Warning and Civil Protection When does it work and why does it fail?”, Stockholm, Sweden 2008.
- 4.Friend, Mark A. Fundamentals of occupational safety and health / Mark A. Friend and James P. Kohn.—4th ed. 2007. 596
5. Сычев Ю.Н. Безопасность жизнедеятельности в чрезвычайных ситуациях: учебно-практическое пособие / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. — М., 2005. — 226